

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси Марказий ҳамда вилоят Кенгаши, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий банк ҳамда «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида амалий семинар ташкил этилди.

ЁШ ХУНАРМАНДЛАР ЭЪТИБОРДА

«Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва оилавий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзусидаги тадбирда кўпгина тадбиркорликка мойил ёшлар тўпланди.

Семинар якунида 15 нафар навоийлик ёш хунармандларга 120 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит сертификатлари топширилди.

Ўз мухбиримиз

БУХОРО

Вобкент туманида хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони яна биттага кўпайди. Полиэтилен қоплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жва Пенг Винг» кўшма корхонаси иш бошлади.

КЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорларнинг 150 минг АҚШ доллари миқдоридagi сармояси эвазига бунёд этилган корхонада йилгига 200 тонна полиэтилен қоплар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Янги корхонада ўн нафар кишлоқ ёшлари дастлабки меҳнат фаолиятларини бошлаб юбордилар. Уларнинг аксариятини коллеж битирувчилари ташкил этади.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда Жиззах шаҳри ва Пахтакор, Жиззах туманларида доимий истиқомат қилувчи алимента тўловчилар, ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилганлар иштирок этдилар.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Бўш иш ўринлари билан қатнашган 150 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ярмаркасини тадбир иштирокчиларига намойиш қилишди.

Шу кунги етмиш нафар кишига доимий иш жойлари учун йўлланмалар берилди. Бу билан уларнинг бандлиги таъминланибгина қолмай, оила аъзолари ҳам ижтимоий ғимonga олинишига замин яратилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг nashri • 2013-yil 13-avgust, seshanba № 95 (3288)

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташки бозор конъюктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Савдо-санот палатаси ва Фермерлар кенгашининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида республика миқтоосидаги ҳудудий филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

— талаб-эҳтиёжга бўлган жорий ва истиқболдаги конъюктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш учун потенциал имкониятларни аниқлаш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, бунинг асосида экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда, эҳтимон тутилган харидорларни излашда, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда, экспорт операцияларини амалга оширишда, экспорт қилувчиларни эҳтимон тутилган хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилишда, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатнома ва йиғимларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдо-ларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, ярмаркалар, «давра столлари» ва бошқаларни ташкил этиш йўли билан мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси нодавлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Жамғарма фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатади ва ёрдам беради;

Жамғарма Кенгаши Жамғармани бошқариш юқори органи ҳисобланади, ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижрочи органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарма маблағларининг бошланғич миқдори 5,0 миллиард сўмини ташкил этади, бунинг 2,5 миллиард сўми давлат бюджетидан маблағларидан бериладиган бирийўла бадал қисмига, қолган қисми эса муассислар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, бошқа тижорат банклари, молиявий институтлар ва донорларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан халқаро амалиётда умумқабул қилинган миқдорларда — шартнома кийиматининг 3 фоизигача бўлган комиссия ажратмалар тарзида олинган даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларининг манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқлари:

— экспортга мўлжалланган маҳсулотнинг мамлакатимиз брендларини ривожлантириш, экспортга этказиб беришни олга силжитиш, жумладан, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдо-ларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йиғимлари ҳамда бошқа тўловларни тўлаш;

— экспорт шартномаларини тузган, янги бозорларга чиқиш ва янги маҳсулот турларини экспорт қилишни таъминлаган ҳолда чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, жумладан унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига

мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

6. Белгилаб қўйилсинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақини тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки ўрнатилган тартибда берилган экспорт шартномасининг суғуртаси бўйича полис мавжуд бўлганида 180 кун мобайнида маблағ келиб тушиши ёки орқага қайтариш мuddати кафолатсиз хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Савдо-санот палатаси, Фермерлар кенгаши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда икки ҳафта мuddатда Жамғарма муассисларининг ташкилий йиғилишини ўтказиш, унинг низоомини тасдиқлаш ҳамда Жамғарма Кенгашини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жамғарма Кенгаши бир ой мuddатда:

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасини белгилаган тартибда давлат рўйхатдан ўтказсин;

— Жамғарма ижро этувчи дирекцияси ва унинг ҳудудий филиаллари тузилмасини тасдиқласин, Жамғармани маркетинг, ташқи савдо операциялари ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминласин;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, белгилаган тартибда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоомни тасдиқласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Жамғарма ижро этувчи дирекциясини Тошкент шаҳар, Ғ.Ғулом кўчаси, 1-ўйда жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, уни зарур техника, асбоб-ускуналар ва алоқа турлари билан жиҳозлаш кўзда тутилсин.

Жамғарма Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда икки ой мuddатда Жамғарманинг ҳудудий филиаллари шакллантирилиши ва жойлаштирилишини таъминласин.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини ва унинг ҳудудий филиалларини жойлаштириш ижара ҳақи ундирилмасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

9. Маъмур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Тошкент шаҳри, 2013 йил 8 август

И. КАРИМОВ



Айни кунларда ҳар бир ватандошимизнинг қалбига кўтаринки қайфият ҳукмрон. Обод турмуш йили муносабати билан мамлакатимизда аҳоли турмушини янада фаровонлаштириш, юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар барчага балан раҳ бағишлайтир.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтаётган тадбирларда эса халқимиз истиқлол берган имкониятларнинг беқисс аҳамиятини дилдан ҳис этмоқда. — Шаҳару кишлоқларимиз кундан-кунга чирой

Икром ХАСАНОВ олган сурат

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига

Истиқлолнинг рангин жилолари

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири мустақиллик йилларида миллий таъсирий санъатимизда рўй берган ўзгаришлар, ижодкорларни, хусусан, истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бераётган самаралар хусусида Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Ўзбекистон халқ rassоми Акмал НУРИДДИНОВ (Акмал НУР) билан суҳбатлашди.

— Мустақиллик, эркинлик ижод аҳли учун гоят қадрли тушунчалардир, — дейди А.Нуриддинов. — Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон таъсирий санъатида улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 23 январдаги фармонида биноан Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши миллий таъсирий санъатимиз раънақида мухим омил бўлаёттир.

Бундай бадий-ижодий даргоҳ кам сонли давлат тушунидагина мавжуд. 2012 йилги МДХ rassомлари конферансида мажлисида қатнашганимда бунга яна бир бор амин бўлдим. Суҳбатдошларимнинг айримлари rassомлар ижодий уюшмалари ҳатто алоҳида бинога эга эмаслиги, миллий таъсирий санъат ўз ҳолига ташлаб қўйилганини куйи-

ниб гапирганиди. Мамлакатимизда Бадий академия, унинг тасарруфидаги муассасалар учун замонавий биналар ажратилгани, таъсирий санъат ривожини, ижодкорлар фаолиятини, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида экани хорижий ҳамкасбларимизнинг ҳавасини тортиб келади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда rassомларнинг эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароит яратилиб, ижодий ташкилотларнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Қашқадарь вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан юртимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида «Меҳрибонлик» ва «Саховат» уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, қаровчисиз қолган болалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаёттир. Жумладан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Яқкабоб тумани кенгаши фаоллари Яқкабоб «Саховат» интернат уйида яшовчи қариялар, ногирон ҳамда ёлғизлар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий кўмак беришди.

Шунингдек, туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича жойлардан таклифлар йиғиш ишлари ташкил этилган. Тармоқ касба уюшма ташкилотлари раҳбарлигида 110 нафар кам таъминланган оила вакилларининг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий зйёратгоҳлар, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоот ва маданият масканларига саёҳатлари уюштирилди.

Шаҳрисабз туманида «Қамолот» ЁИХ туман кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Бахтли болалик мамлакатини», «Шу Ватанга бордир менинг қерагим», «Озод элнинг ўғлиман, обод элнинг ўғлиман» номли адабий-мусликий кечалар ташкил этилди.

Вилоят ички ишлар бош бошқармаси, кўриқлаш бўлими, ёнгин хавфсизлиги бошқармаси, инкассация бошқармаси, Республика миллий банки вилоят филиали ва Қарши банк коллежида ходимлар, ўқувчилар ўртасида «Мустақиллик — энг аввало, ҳуқуқдир» мавзусида маърифий учрашувлар ташкил этилди. «Мустақил

Ўзбекистон — менинг таянчим ва ифтихорим», «Истиқлол — миллати, тили ва динидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гаровидир» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Истиқлол байрами арафасидаги мада-

ний-маърифий тадбирлар болажонларимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. «Гулистон» болалар оромгоҳида мавсумнинг 1-, 2-, 3-босқичларида мустақиллик ва ватанпарварлик тараннум этилган бадий, ҳужжатли ва мультипликацион филмлар намойиш этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида китоби таҳлили асосида жойларда учрашув, давра суҳбати ва кечалар ўтказилмоқда. Тадбирларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз-

га изчил етказиш борасида тарғибот ишларини кучайтиришга эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир.

Хар бир бошланғич касба уюшма ташкилоти етакчиси ўз муассасасида «Ободлик кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Бундан ташқари, вилоятда Мустақиллик байрами арафасида хаваскор велоспортчилар ўртасида веломарафон мусобақаларини ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Спортчилар қизиқарли оммавий беллашувларни орзиқиб кутишяпти.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги Ёшлар кенгаши томонидан Яқкабоб туманидаги «Саховат» уйида «Саховат ва Муруват уйлари ёшлар эътиборида» ақциясини ўтказишга қизгин ҳозирлик қўрилинмоқда. Ақция доирасида ёшлар «Саховат» уйига ташриф бўриб, у ерда яшовчи ногиронлар ҳолидан хабар олишдаи ва маданият-маърифий тадбирларини намойиш этишдади. Шунингдек, ҳудудда касба уюшмалари Ёшлар кенгаши томонидан ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Энг муҳими, Мустақиллик байрами арафасида кўпгина эзу амаллар элимиз учун армуғон бўлади. Масалан, вилоят бунёдкорлари қурилиши якунланган деб қолган таълим муассасалари, болалар муслика ва санъат мактаблари ҳамда бошқа объектларни битказиб, энг улуг ва энг азиз байрамимизга муносиб туҳфа ҳозирлаш ниятидалар.


Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Мустақиллик иншоотлари

Кейинги йилларда шаҳар қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Осмонпар бинолару кенг ва раван йўллар, улкан кўприклар кўзингизни қувнатади. Албатта, буларнинг барчаси улуг неъмат — мустақиллигимиз шарофатидир. Пештоқиға «Ангрен логистика маркази» деб ёзилган бинога кирар эканмиз, хаёлимдан ушбу фикрлар ўтди.

Йўлингиз бехатар бўлсин!

ёки тоғлар кўйида қад ростлаган корхонада бир кун



— Бу бошланиши, холос. Ичкарига кирсангиз, қурилган бинолару жамоамиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва улар учун яратилган шароитларни кўриб ўзингиз баҳо берасиз, — деди худди фикримизни уққандек касабакўм раиси Муҳаммад Нарбаева.

Ха, чиндан ҳам шундай экан. Атроф ораста. Ҳар бир йўналиш бўйича ҳайдовчимиз ёки кранчининг ўз иши билан банд.

«Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятининг иш бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Мазкур жамоа 2009 йил август ойда ташкил этилган бўлиб, фаолиятини 2010 йил январ ойидан бошлаган. Аини вақтда Қамчиқ домини орқали Фарғона водийсига ва Фарғона водийсидан иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг юкларини ташиб бериш билан боғлиқ терминал ва транспорт экспедиторлик хизматларини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мижозларнинг турли буюртмачиларини тезкорлик билан қабул қилиш, ташиб жараёни махсус логистик дастур орқали изчил йўлга қўйилган.

Корхонадаги ҳар бир филиал ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Масалан, «Махсусюктранс» унитар кор-

хонасида бугунги кунда мамлакатимизнинг барча минтақалари бўйлаб юк ташиб имконияти мавжуд бўлса, «Транзит юк терминали» филиали юкларини ортши, тушириш, саклаш, импорт ва экспорт юкларини божхона кўригидан ўтказиш ҳамда декларация қилиш бўйича терминал хизматларини амалга оширмоқда.

Марказда 1808 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда, — дейди Муҳаммад Нарбаева. — Уларнинг 390 нафарини ёшлар ҳамда 120 нафарини аёллар ташкил этади. Шунингдек, корхонамизда 42 нафар афғон уруши қатнашчиси меҳнат қилади. Аини вақтда улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, санаторийларга бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Корхона маъмурияти ҳамда касаб а уюшма кўмитаси томонидан имзоланган жамоа шартномасининг тўлақонли бажарилиши доимий назоратда. Жамоа шартномасига асосан корхона маъмурияти томонидан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ҳамда ижтимоий шериклик асосида ишчи-ходимларнинг вакиллик органи сифатида кўмитанинг фаолият юритиши учун барча шароит яратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Касаба уюшма ташкилотига хона ажратилиб, уни ташкил этиш ва жиҳозлаш учун 6

миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани фикримизнинг исботидир. Ишчи-хизматчилар учун барча шароит яратилган. Улар кундузги ва тунги сменада иссиқ овқат билан таъминланмошган. Корхонада ишловчи 50, 55 ёшга тўлган аёллар, 60, 65 ёшга тўлган эркакларга ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот бериб борилаётди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 24 нафар аъзога турли санаторийларга йўлланмалар берилди. 33 нафар ходимга эса 6 миллион 450 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Халқаро болалик йили ҳимоя қилиш кўни муносабати билан ишчиларнинг 40 нафар фарзанди Тошкент шаҳридаги Ҳайвонот боғи ва цирк томошаларига олиб борилди. Корхонада ишлаб чиқариш амалиётининг ўтаган коллеж ўқувчиларнинг 20 нафарига 289 минг 600 сўмдан моддий ёрдам берилди. Ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш масаласи ҳам доимий диққат-эътиборда. Бу йилги ёз мавсумида 92 нафар бола «Автомобилчи» ҳамда «Транспортчи авлод» оромгоҳларида мириқиб хордиқ чиқарди.

Корхонада «Обод турмуш йили» дастури бўйича «Маънавият соатлари»да ёзувчи ва шоирлар, маданият, илм-фан

ҳодимлари билан давра суҳбатлари уюштириляпти.

Шу ўринда жамоа шартномасига киритилган янги бир банд ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Корхона томонидан «Transinsurgans» суғурта компанияси билан тузилган шартномага асосан ҳар бир ходимнинг суғурта пули 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Шулардан 65 нафар суғурта пули орқали бепул даволаниши.

Марказда меҳнат муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида шу мақсад учун 158 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ишчи-хизматчилар киши ва ёғи махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситаси, саломатлик учун зарарли иш шароитида ишлаётган «Транзитоктерминал» филиалида ишловчи 50 нафар юкчига сут махсулотлари бериб берилмоқда.

— Хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди кузатув назорати оператори Абдужамол Ғофуров. — Турли шаҳарлардан темирйўл шохобчалари орқали келтирилган юк омиборхоналаримизга туширилади. Кейин улар автоуловларга юкланиб «Қамчиқ» домини орқали Фарғона водийсига етказиб берилади. Хизмат кўрсатиш даражаси шундайки, буюртмачи фақатгина қанча юк ташиб лозимлигини айтса кифоя, юкклаш, тушириш ҳамда бошқа барча ташкилий ишларни ўз вақтида аниқ бажарилшига тўла қафолат берамиз.

Биз кўпчиликнинг узоғини яқин қилаётган «Ангрен логистика маркази»дан олам-олам таассурот билан қайтдик. Ўз вақтасини сидқидилдан бажарайотган инсонларга: «Ҳамма вақт йўлингиз бехатар бўлсин!», деб қоламиз.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Рассомларимиз ижодидида бугунги тинч ва осуда ҳаёти-миз, гўзал табиат манзаралари, инсоннинг руҳий олами, ўзликини англашга интилишини тасвирий санъатнинг турли жанр ва услубларида, турфа бўёқларда ифодалаш кучайди. Турли тарихий, илмий, адабий манбалар, ёзма ёдгорликларга таянган ҳолда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур сингари улуг аждодлари-

сифатида воёга етишида алоҳида тарбиявий аҳамият касб этса, жаҳон тасвирий санъат ихлосмандларига Ўзбекистоннинг нақадар чуқур, теран тарихий илдиизга, бой илмий-ижодий, интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат эканини намойён этмоқда.

Буюк аждодларимиз сиймоларининг тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъати орқали тикланишида Малик Набиев, Муҳаммаджон Нуриддинов, Жалолиддин Миртожиев, Саъдулла Абдуллаев, Зайниддин

биеннале, фотобиеннале сингари мулақо янги тушунчалар пайдо бўлди. Ҳар икки йилда ўтказилувчи халқаро биеннале мустақиллик даври ўзбек тасвирий санъати эришган ютуқларни жаҳон санъатшунослари, мусавирлари ва мухлисларга намойиш этиш, юртимизда кечаётган ўшқин ижодий жараён билан уларни яқиндан таништириш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва таъриба алмашишига хизмат қилмоқда. Тошкент халқаро фотобиен-

ИСТИҚЛОЛНИНГ

миз сиймоларига муурожаат қўлайди. Уларнинг ёрқин образи акс эттирилган тарихий мазмулардаги кўплаб асарлар яратилмоқда. Япония, Россия, Озарбайжон каби давлатларда Алишер Навоий ҳайкали қад ростлади. Буларнинг барчаси ижодкордан алоҳида кунт, билим, маҳорат билан бирга катта маъсулият ҳам талаб этади. Бобокалонларимиз сиймоси акс этган бадиий ва ҳайкалтарошлик асарларининг яратилиши ёшларда шонли тарихимиз билан фахрланиш, аждодларимизга муносиб воқис, аини пайтда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон

Фахриддинов, Жавлон Умарбеков, Собир Раҳметов, Темур Саъдуллаев, Тўра Курёзов, Рустам Худойберганов, Алишер Алиқулов, Ниёзали Холматов сингари ижодкорларнинг ҳиссаси катта. Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллик, тинчлик, Ватанга муҳаббат, садоқат, умрбоқий аънаналар бардавомлиги сингари табарруқ тушунчаларни ўзида ифода этган «Бахтиёр она», «Эзгулик арқаси», «Қўнча ва боқий Бухоро», «Ватанга қасамед» каби монументал асарлар яратилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз маданий ҳаётида

налес юртимизда фотографиядек замонавий санъат тури жадал ривожланиб бораётгани, унинг раванки, фоторассомларнинг ижоди давлатимизнинг доимий эътиборида эканини намойиш этиш билан бирга, осуда, тўқин ва фаровон ҳаётимизни, тараккиёт одимларини, умрбоқий кадриятларимизни бор жоизбаси ва бўй-баси билан дунёга ҳолис ва ҳаққоний намойиш этмоқда.

«Тошкент қувончлари» боғлар расмлари биенналесига эса дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ўғил-қизларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасавву-

Фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми ҳисобланган маҳалла ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим бўғини сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шунинг ҳисобига олган ҳолда мамлакатимизда унинг нуфузини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган тадбирлардан бири «Энг намунали фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари» кўрик-танловидир.

«Янгилик» ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

— Вилоятимизда бугунги кунда салкам тўққиз юзта маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими раиси Насриддин Садриддинов. — Улар аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, худудларда тинчлик-осойишталикни, ободончиликни таъминлаш, кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш орқали турмуш фаровонлигини ошириш борасида изчил фаолият олиб бормоқдалар. Маҳаллалар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичи эса уларни янада фаоллаштириш учун бир омил бўлди. Бу эса умумий ишчимизга катта наф келтиради, деб ўйлайман.

Энди бевосита кўрик-танловнинг вилоят босқичи яқунларида келсак, Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган тадбирда барча шаҳар ва туманлардан келган МФЙ вакиллари иштирок этиди. Қатнашчилар ўрта асосий шарт бўйича баҳо олиб боришди. Ҳайрат аъзолари Ўйчи туманидаги «Янгилик» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Тилобатхон Камолова)ни голиб деб топишди. Чортоқ туманидаги «Бешкала» ва Косоний туманидаги «Чорбоғ» МФЙлари эса иккинчи ва учунчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Энди бевосита кўрик-танловнинг вилоят босқичи яқунларида келсак, Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган тадбирда барча шаҳар ва туманлардан келган МФЙ вакиллари иштирок этиди. Қатнашчилар ўрта асосий шарт бўйича баҳо олиб боришди. Ҳайрат аъзолари Ўйчи туманидаги «Янгилик» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Тилобатхон Камолова)ни голиб деб топишди. Чортоқ туманидаги «Бешкала» ва Косоний туманидаги «Чорбоғ» МФЙлари эса иккинчи ва учунчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Энди бевосита кўрик-танловнинг вилоят босқичи яқунларида келсак, Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган тадбирда барча шаҳар ва туманлардан келган МФЙ вакиллари иштирок этиди. Қатнашчилар ўрта асосий шарт бўйича баҳо олиб боришди. Ҳайрат аъзолари Ўйчи туманидаги «Янгилик» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Тилобатхон Камолова)ни голиб деб топишди. Чортоқ туманидаги «Бешкала» ва Косоний туманидаги «Чорбоғ» МФЙлари эса иккинчи ва учунчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Туркистон-пресс»

Бошланғичда нима гап?

Ҳаётимизни электр чироқларисиз тасаввур қилиш қийин. Уйимизда чироқ ўнча, фигонимиз фалакка кўтарилади. Уй бекаларини-ку, кўяверинг. Кимдир севимли сериалини қизик жойи ўтиб кетганини куйинса, яна биров электр печиди пишираётган ширинлиги тобига етмагандан нолийди. Ана шундай пайтда бебаҳо бойлигимиз электр нурини қадрлашимиз зарурлиги ёдимизга тушгандек бўлади.

Айни пайтда «Тошкент Иссиқлик электр станцияси»да 1450 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилиб келмоқда. Шундан 395 нафари аёллар, 427 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Уларнинг ҳақ-хуқуқ ва манфаатлари маъмурият билан ижтимоий шериклик асосидаги 2011-2013 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси орқали мустаҳкамланган. Жамоа шартномасини тузишда Меҳнат кодекси, ЎзКУФК тавсиялари, «Ўзбекэнерго» ДАК билан Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санъати ва геология ходимлари касаб а уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги тармоқ тариф келишувида акс этган масалалар инобатга олинган.

Касаба уюшмаси фаолияти билан танишарканмиз, соҳа учун муҳим масала — меҳнат муҳофазаси назорати намунали йўлга қўйилганлигига ишонч ҳосил қилдик. Корхонада 38 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакилар иш олиб бормоқда. Касаба уюшмасининг ташаббуси билан корхонага амалиёт ўташ учун келган ва ишга қабул қилинган талабаларга Меҳнат муҳофазаси комиссияси томонидан семинарлар ташкил этилиб, хавфсизлик техникаси бўлими билан биргаликда иш жойида мавжуд бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш бўйича йўриқномалар тушунтириляпти.

— Меҳнат муҳофазаси бўйича ишлар «Корхонада меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича бошқариш тизими», «Шикастланиш ҳолати ва унинг олдини олиш чоралари» кўрсатмаси, «Ўзбекэнерго» ДАК таркибига кирувчи корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари бўйича

олиб борилади, — дейди биз билан суҳбатда касаб а уюшма кўмитаси раиси Мунира Қосимова. — Меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ҳафтада бир марта жадвал асосида иш жойларини, кийиниш-ечинишни, ювенил хоналарини, ишчиларнинг махсус кий-

Рисоладагидек шароит меҳнатга иштиёқни кучайтиради

им-бошларини назоратдан ўтказиш. Цехлардаги меҳнат муҳофазаси вакиллари аниқланган камчиликларни ёзма равишда, уч погонали журналга ёзиб боради. Шунингдек, корхонада ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси хавфсизлик техникаси кўни, деб ўйлан қилинган. Меҳнат муҳофазаси вакиллари, цех бошлиқлари, раҳбарлар ва касаб а уюшмаси фаолларидан иборат комиссия шу кунни ўтказиладиган кенгашида мавжуд муаммоларни муҳокама учун тақдим этади.

Касабақўм раисининг таъкидлашича, сўнгги икки йилда корхонада 18 марта «Хавфсизлик кўни» ўтказилган ҳамда 412 та чора-тадбирдан 402 таси бажарилган. Ҳар бир ходим меҳнат муҳофазаси бўйича шахсий дафтар юрифтади. Унга энергетикада бўлган шикастланиш ва камчиликлар, уларни бартараф этиш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳақидаги хабар-

лар ёзиб борилади. Бу ҳол хавфсизлик техникаси ҳоидалари бузилишининг олдини олиш, шикастланишларнинг қамайишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жадвал бўйича ходимларнинг бу борадаги билимлари доимий комиссия томонидан текширилади. Жорий йилда 677 нафар ишчи-ҳодимнинг билими синовдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2012-2013 йилларда касб билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар қайд этилмади. Корхона касаб а уюшмаси ташкилотининг жорий йилда Тошкент вилоятидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида «Меҳнатни муҳофаз а қилиш ишларини ташкил

учин барча шароит мавжуд, — дейди суҳбатдошимиз, «Шухрат» медали соҳибини, электромонтёр Нигмат Ашурматов. — Касаба уюшмасига қай бир масалада муурожаат қилсак, дарҳол чора кўриб, кўмак беришади. Саломатлигимиз, дам оlishимиз, иш жараёнимиз муҳофазаси доимий назоратда.

Ўқорида қайд этганимиздек, корхонада фаолият юритувчи аёллар 395 нафарни ташкил этса, шундан 91 нафари ноқулай меҳнат шароитида ишлайди. Уларга жамоа шартномасига муйофиқ имтиёзлар белгиланган. Жумладан, махсус кийим-бош билан таъминлаш, қўшимча таътил кунлари бе-

риш шулар сирасидан. Эътиборлиси, масканда 10 нафар қасаначи ҳам меҳнат қилади. Улар асосан, махсус кўлқоп, техник салфетка, махсус кийим-бош, лаборант ва фаррош аёллар учун халатлар тикишади. Жамоа шартномаси уларнинг ҳам хуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиб, қафолатлайди. Корхонада ходимлар саломатлигини муҳофаз а қилиш учун Соғломлаштириш-саломатликни тиклаш мажмуаси барпо этилган. Унда стоматолог, терапевт, физиотерапевт каби шифокорлар, жами 22 нафар тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Ходимлар соғлигини таъминлаш учун фри-нажер хонаси, сауна, бассейн ва физиологик муолажа хоналари мавжуд. Жорий йилда 913 ходим тиббий қўриқдан ва 1200 таси флюорографиядан бепул, яъни, корхона ҳисобидан ўтказилди. Аниқланган касалликлар

бўйича шифокорларнинг тавсиясига биноан ходимлар ушбу марказда ишдан ажралмаган ҳолда даволанмоқда. Зарур вазиятда энергетизмга қарашли стационарга ва республика мидаги мавжуд санаторийларга йўлланмалар берилмоқда.

Касаба уюшмаси қарори билан «Энергетик» ёғи дам олиш оромгоҳига ҳозирга қадар 179 нафар ходимга имтиёзли, 9 та нафақахўрга бепул йўлланма ажратилди. «Нурфшон» санаторийсида 36 киши, «Турон», «Зомин», «Оқ тош», «Бўстон», «Чортоқ» санаторийларида имтиёзли йўлланмалар асосида 21 киши соғлигини тиклади.

Бундан ташқари, 159 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари «Наврўз», «Авеню парк» ва «Новис-навис» дам олиш масканларида хордиқ чиқарди. Ходимларнинг фарзандлари учун ёғи оромгоҳларга 30 та имтиёзли йўлланма тақдим этилди. Касаба уюшма кўмитаси томонидан туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 96 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Эндиликда Хива шаҳрига саёҳат учун тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига қизгин ҳозирлик кўрмоқдамиз, — дейди касабакўм етакчиси. — «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказялмиш. Қувонарлиси, бу йил биз учун қўшалоқ байрам. Сабани, корхонамиз фаолият бошлагани 50 йил тўлади. Шу боис, цехларро турли спорт мусобақалари, ёшлар ўртасида «Кувноқлар ва зуқоқлар» каби кўнгулоқ тадбирлар ўтказишни ҳам режалаштирганмиз. Уйлайманки, ранг-баранг дастурлар ходимларга кўтаринки кайфият бахш этиб, меҳнат иштиёқини янада кучайтиради.

Гўзал НОРҚАЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ўқув

Жорий йилда Тошкент шаҳар касаб а уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз а қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида пойтахтда фаолият кўрсатаётган бюджет ташкилотларда меҳнат муҳофазасига маъсул раҳбар ходимларнинг икки кунлик ўқув-машғулотларини ўтказиш режалаштирилган эди. Ўқувлар шаҳарнинг 5 та туманида ўтказилди.

Тингловчиларга сертификат берилди



Жумладан, таълим, фан ва маданият ходимлари касаб а уюшмалари Сергели туман кенгаши ҳамда туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ташкил этилган семинарда «Меҳнатни муҳофаз а қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Асосий эътибор учраётган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари, тасдиқланган битимларда меҳнат муҳофазаси, 50 ва ундан ортқ ходим фаолият юритаётган жамоаларда меҳнат муҳофазаси муҳандиси лавозимининг жорий этилиши, ҳар бир касб бўйича лавозим йўриқномаларининг сифатли ишлаб чиқилишини назоратга олиш ва уни амалга татиқ этиш кенгаши хусусида тўхталиб ўтилди.

Икки кунлик машғулотлардан сўнг тингловчиларга гувоҳномалар берилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

рени суратлар орқали ифода-лаши, ёш истеъдод соҳибла-рини аниқлаш ва қўллаб-қув-ватлашга йўналтирилган яна бир қизиқарли лойиҳалардан-дир. Бундай халқаро кўргаз-малар туфайли хорижий қат-нашчилар Ўзбекистонда санъ-ат, маданият, маънавият, ёшлар таълим-тарбияси, ис-тиқболи давлатнинг доимий диққат-эътиборида эканини кенг эътироф этиб, юксак ба-ҳоламоқда. Ушбу жиҳатлар ҳар йили баҳорда ўтказилу-чи, ўқувчи-ёшлар учун чина-кам нафосат ва гўзаллик бай-

маданият таъсиридан ас-раш, миллий ва умуминсо-ний кадрлар руҳида воя-га етказишда ижодкорлар олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат? — Инсоннинг руҳияти, маъ-навияти, қалби, онгига ҳавф солувчи, диди ва савиясини ўтмаслаштиришга қаратилган зарари гоялардан доим оғох бўлишимиз керак. Биз улкан тарихий, бебаҳо адабий, ма-даный, маънавий мероснинг ворисларимиз. Бу қадимий ва бой хазина ўз миллий санъа-

Чингиз Аҳмаров, Ўрол Тан-сиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Неймат Қўзибоев, Маннон Саидов, Бахтиёр Бобоев, Рўзи Чориев сингари буюк рассомлар асос солган катта маҳорат мактабига эга. Бу маънавий меросни ўрганиш, мазмун-моҳиятини ёшларга сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда янги даврнинг янгича фикри, кенг дунё-қарашли рассомлари шакл-ланмоқда. Ижодкор мутлоа қилмас, адабий меросимиз-га мурожаат этмас, тўқис,

барпо этилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати фору-ми» жамғармаси ва бошқа бир қатор ижодий ва жамоат таш-килотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ўзбекистон тасвирий санъати», «Янги ав-лод», «Навқирон Ўзбекистон» сингари фестиваллар, «Кела-жак овози» республика кўрик-касиб этади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда янги даврнинг янгича фикри, кенг дунё-қарашли рассомлари шакл-ланмоқда. Ижодкор мутлоа қилмас, адабий меросимиз-га мурожаат этмас, тўқис,

лим ва маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Иқтидор соҳибларининг хо-рижий давлатларда ўтказила-ётган халқаро кўргазмаларда қатнашиши учун кенг шароит яратилмоқда. Жумладан, Ди-лором Мамедова, Бобур Ис-моилов, Камолжон Бобоев, Темур Аҳмедов, Фаррух Аҳма-далиев, Файрат Иброҳимов сингари ўз услуби ва ижод йўлига эга қўлаб истеъдодли ёш мусаввирларнинг асарла-ри мамлакатимизда ўтказила-ётган ижодий лойиҳалар бил-лан бирга Европа давлатлари,

алмашиши, ижодий мулоқот ўрнатиши, турли кўргазмалар, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши имконияти яратилган. Талабаларнинг санъатшунослар ва мусаввир-лар билан доимий учрашувлари ташкил этилмоқда. Камо-лидин Бехзод мемориал боғ-музейида тасвирий санъатга дид қизиқувчи ёшларнинг ижодий кўргазмаси мунтазам ташкил этилмоқда.

да миллий тасвирий санъати-мизга, ижод аҳлига, истеъдод-ли ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳақида атроф-лича маълумот берилмоқда. Ўзбекистон Бадий акаде-мияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақил-лигининг 22 йиллигига бағиш-ланган «Тошкент: кеча ва бу-гун» мавзусидаги бадий кўргазма очилди. Унда пойтах-тимизнинг кечаги кунди, бугун-ги тараққиёти, обод маҳалла-лари, муҳташам бинолари, тўқин ва фаровон бозорлари, умрбоқий анъана ва қадрият-лари, Барокко авлод келажак-га йўлида кўрсатилаётган чек-сиз меҳр ва эътибор акс этти-рилган уч эъдан ортиқ асар намойиш этилмоқда.

рангин жилдолари

рамига айланган Тасвирий санъат фестивали доирасида-ги тадбирларда ҳам намобён бўлмоқда.

тимизни янада раванқ топти-риб, янгидан-янги асарлар яратишга ундайверади.

мукаммал асарлар яратиши қийин.

маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Хитой, Жанубий Корея синга-ри мамлакатлардаги кўргаз-маларда намойиш этилмоқда.

Муваққатлик рассомларимиз учун битмас-туганмас илҳом манбаидир. Унинг рангин жи-лолари бугунги тинч ва осойиш-та ҳаётимизда, барча соҳалар-даги тараққиёт одимларида, асларга татиғулик ютуқларида, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжа-мийатидаги тобора юксалиб бо-раётган нуфузи ва обрўсида, онгу шууримиз, ҳаёт тарзими, тафаккуримизда ўз аксини топ-моқда. Шундай экан, энг улуг, энг азиз неъмат — мустақил-гимизни мустаҳкамлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бадий асарларда тараннум этиш бизнинг ҳам ижодкорлик, ҳам фарзандлик бурчимиздир.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июн-даги «Ўзбекистон Республика-си давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами-га тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида «Қадр-қимматим, та-янчим ва ифтихоримсан, мус-тақил Ўзбекистон!» деган гояни ўзида мужассам этган турли кўргазмалар, ижодий танлов-лар, учрашувлар, мулоқотлар, санъат ҳафталиклари юрти-мизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда. «Илҳомлар ду-нёси» кўргазмаси Бухоро, На-воий, Нукус, Урганч, Қарши, Термиз шаҳарларида ўтказил-ди. «Озод ва обод Ватан!» ши-ори остида малакатиимизнинг барча ҳудудларида тасвирий санъат кўнлари ташкил этил-моқда. Ушбу тадбирлар доира-сидаги учрашувлар, жонли му-лоқотларда истиқлол йиллари-

— Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июн-даги «Ўзбекистон Республика-си давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами-га тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида «Қадр-қимматим, та-янчим ва ифтихоримсан, мус-тақил Ўзбекистон!» деган гояни ўзида мужассам этган турли кўргазмалар, ижодий танлов-лар, учрашувлар, мулоқотлар, санъат ҳафталиклари юрти-мизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда. «Илҳомлар ду-нёси» кўргазмаси Бухоро, На-воий, Нукус, Урганч, Қарши, Термиз шаҳарларида ўтказил-ди. «Озод ва обод Ватан!» ши-ори остида малакатиимизнинг барча ҳудудларида тасвирий санъат кўнлари ташкил этил-моқда. Ушбу тадбирлар доира-сидаги учрашувлар, жонли му-лоқотларда истиқлол йиллари-

ЎЗА МУХБИРИ НАЗОКат УСМОИОВА СУХБАТЛАШДИ

Тадбир

Бухоро вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан «Ҳавзи Нав» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкор-лигида «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида маданий тадбир ташкил этилди. «Алданиб қолманг!» мавзусидаги одам савдосига қарши курашга бағишланган мулоқотда маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли, жумладан, ёшлар иштирок этишди.

Алданиб қолманг!

Тадбирни вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлаш-маси кенгаши раиси ўринбоса-ри Махсуд Шуқуров очиб, ҳозирда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўп қузатила-ётгани ва ушбу иллат қурбони бўлишдан оғоҳлик ҳақида га-пирди.

Сўзга чиққанлар мамлақати-мизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳи-яти, аввало, инсон манфаатла-рига, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимо-ялаш, турмуш шароитини ях-шилаш каби эзгу мақсадларга қаратилганлиги ҳақида маъру-за қилдилар. Ҳуқуқий демократ-тик давлатда инсон тинч, осой-ишта ва фаровон ҳаёт ке-чириши учун, биринчи навбатда, унинг ҳафсиэлигини таъмин-лаш, ҳуқуқ ва қонуний манфа-атлари, ҳаёти ва соғлиги ҳар қандай тажовулардан ҳимоя қилинган бўлиши шартлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, маҳаллада яшовчи катта ҳаёт тажрибаси-га эга отахону онахонлар, ёшлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқ-лашдилар. Тадбир сўнгисида «Алданиб қолманг!» мавзуси-даги видеоролик намойиш этилди.

Лобар БАРАКАЕВА, Бухоро вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг отақчи мутахассиси

Ҳуқуқий саводхонлик

Пенсия олиш ҳуқуқи кафолатлари

Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддасига биноан, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунинг-дек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун эса фуқароларнинг ушбу конституция-вий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизими-ни, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқа-риш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тарти-бини белгилайди.

Давлат пенсиялари ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси каби турлардан иборат. Уларнинг ҳар бири турини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга ўзла-ри хоҳлаган пенсия тайинланади. Хорижда яшаётган мамлакатимиз фуқаро-ларини пенсия билан таъминлаш Ўзбекис-

тон Республикасининг халқаро шартномала-ри асосида амалга оширилади. Юртимизда доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эса Ўзбекис-тон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгалар. Ёшга доир пенсияни олиш ҳуқуқига эркак-лар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари ка-мида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади. Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш ста-жига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар қонунда назарда тутилган ками-да 5 йил иш стажидан мавжуд бўлган тақдир-да, ушбу стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, яъни пенсиянинг таянч миқдоридан, иш стажидан пенсия-

нинг оширилиши ва пенсияга қўшилганда устима ҳақлардан иборат.

Ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатла-рида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ но-гиронлари деб топилган шахсларга тайин-ланади.

Боқувчиси вафот этган меҳнатга қобилият-сиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадир.

Пенсия таъминоти тизимидаги ўзгариш-лар давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тараққиёт этган давлатлар-нинг тажрибалари, фуқароларнинг бюджет-дан ташқари Пенсия жамғармасига боғлиқ, яъни суғурта бадалларининг тўланганлиги, демек, меҳнат стажига эга бўлиши ва пен-сия таъминотининг манзиллилиги эътиборга олинган ҳолда амалга оширилади.

Т.КАРАМАТДИНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи



Кува тумани «Тош-кент» маҳалла фуқа-ролар йиғинида оила-вий бизнес ва хусу-сий тадбиркорликни йўлга қўйиб, турмуш фаровонлиги ва ёшлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган хонадон-лар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Пўлатжон Тожиалиев кичик корхона ташкил этиб, ўз оила аъзоларидан ташқари маҳал-ладаги саккиз нафар йигит-қизни ҳам иш билан таъминла-ди. Айни вақтда корхонада бу-юртма асосида тикувчилик ва пойабзал махсулотлари тайёр-ланмоқда.

Суратда: (ўнгдан) корхо-на ишчилари Шохиста Си-рождинова ва Нигора Те-шабоева.

Мукимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Матбуот анжумани

Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишлари кўп жиҳатдан қай даражада қўллаб-қувватланишларига боғлиқ.

Президентимизнинг «Таъ-лим муассасаларининг бити-рувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида»ги Фармони бу борада, айниқса, самарали бўлмоқда. Натижада, коллеж битирувчиларига катта имко-ният эшиклари очилди. Улар ўз билим ва қобилиятларини иш-билармон, хусусий тадбиркор сифатида синаб кўришмоқда. Натижалар ҳам чакки эмас... Миллий матбуот марказида Республика Марказий банки ва оммавий ахборот воситалари

Битирувчига молиявий кўмак

вакиллари иштирокида «Кол-леж битирувчиларини иш бил-лаш таъминлаш, тадбиркорлик-ка кенг жалб этиш борасида амалга олишirilган чора-тад-бирлар ва истиқболдаги вазифа-лар» мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда батафсил маълумот берилди. Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оши-ришда аҳамияти беқиёс. Зо-тан, республикада кучли демократик жамиятни шакл-лантириш йўлида амалга оши-рилаётган ислохотлар негизи-

дан ҳам ҳар бир инсоннинг му-носиб турмуш тарзини яра-тишдек эзгу мақсад ётибди. Марказий банк томонидан ўтган даврда «Коллеж битирув-чиларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ў-ринларини ташкил этиш им-кониятлари» мавзусида манфа-атдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари би-

лари битирувчиларининг 9,2 млрд., 149 нафар аёлларнинг 7 млрд. сўмлик бизнес лойи-ҳалари молиялаштирилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида тижорат банк-лари филиаллари вакиллари ҳар бир қасб-хунар коллежига бириктириб қўйилган. Бу эса банк ва битирувчи ўртасида жонли, доимий мулоқот муҳи-тини яратишга имкон беради. Амалга оширилган ана шундай кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йил-нинг шу даврига исбатан 1,3 баробар ошиб, 1 августга қадар 4,3 трлн. сўмни ташкил этди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Тиббий хизмат

Сардоба тумани Сирдарё вилоятининг марказидан олис, чўл ҳудудларидан саналади. Аммо шунга қара-май, туманда аҳолининг малакали тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланишлари учун ҳавас қилса аризулик шарт-шароитлар яратилган. Кейинги йилларда туман аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, туман марказидаги тиббиёт муассасалари ҳамда кишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мус-таҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.



Саломатлик — бебаҳо неъмат

Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмаси негизда 150 ўринли марказий шифохона, 300 нафар бемор қабул қилишга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиника, 10 та кишлоқ врач-лик пункти ва «Тез ёрдам» бўлими мавжуд. Туманда 57 миң нафар аҳоли рўйхатга олинган. Улардан 17 миң нафарини ту-ғиш ёшидаги аёллар, 25 миң нафарини болалар ва усмирлар ташкил этади. Туман марказида замонавий қиёфадаги тез тиб-бий ёрдам бўлими ташкил этилганлиги туман аҳолисига катта қулайлик туғдирди. Бўлимнинг Узоқов, Қўшчинон, Дўстлик, Ш.Рашидов, Темур Малик, Гафур Фулом кишлоқ врачлик пункт-ларида 6 та тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган бўлиб, уларда беморлар учун барча қулайликлар яра-тилган. Қувайт иқтисодий ривожлантириш фонди томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан 45 миллион 711 миң 836 сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Жумладан, рент-ген аппаратлари, электрокардиограф, УТТ каби асбоблар кел-тирилди.

Туманда «Соғлом оила — соғлом бола» тамойилига мувофиқ оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ти-зимини янада такомиллаштирилмоқда. Хусусан, ҳомиладор аёл-ларни перинатал скрининг текшируви билан қамраб олиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида аниқ мақ-садли ишлар олиб борилмоқда. Туғиш ёшидаги аёллар тез-тез малакали шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтказилади. Қўрик жараёнида хасталиги аниқланган аёллар шифохона ва амбу-латорияларда даволаниб, саломатликларини тиклашмоқда.

Кишлоқ ва маҳаллаларда шифокорлар томонидан оилада тиббий маданиятни ривожлантириш, эрта никоҳ қуришнинг сал-бий оқибатлари, она-бола саломатлиги, соғлом фарзандлар ту-ғилишини таъминлаш борасида ташкил этилаётган давра суҳ-батлари ва тушунтириш ишлари ижобий самара бермоқда. Соҳа вакиллари бутун диққат-эътиборини «Соғлом оила — соғлом бола» Дастурини амалга ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратаётгани боис, туманда оила саломатли-ги, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида катта ютуқ-лар қўлга киритилмоқда. Хусусан, оилада тиббий маданият юк-салиб, хавфли, юкумли хасталиклар кескин камайди. Болалар ўртасида учраётган дифтерия, қоқшол, полиомелит каби касал-ликларга барҳам берилди.

Саломатлик — бебаҳо неъмат. Сардобалик тиббиёт ходим-лари «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъмин-лаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ҳамда миллат генофондини мустаҳкамлаш ва яхшилаш борасида ана шундай хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Кўрик-танлов



Санъатим сенга, обод юртим!

Ватани севмоқ иймондандир, дейлади Ҳадиси шарифда. Ватан она каби азиз ва муқаддас бешгимиз, саждагоҳимиздир. Ватан бизнинг жонимизда, қонимиздадир. Ундан сал узоклашсак соғинамиз, қалбимиз она замин сари талпинида. Унга бутун вужудимиз билан боғланганмиз. Ҳар бир гиёҳи қалбимизга яқин. Оби ҳаёти жонимизга малҳам, шамоли рўҳимизга қувват.

Ҳар гал Ватан ҳақида қўшиқ тинглаганимизда юрагимиз жўшиб кетади. Қалбимиз ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошади, кўзимизда секин-секин қалқийди. Шу озод ва обод юрт фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Айни пайтда бу дорилоним кунларга етишиш осон бўлмаганини хис этамиз.

Ўзбекистон касабалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 14 февралдаги 10-7-о-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида жорий йилнинг март-июн ойларида меҳнаткашлар ўртасида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича ўтказилган кўрик-танловларда ҳам она Ўзбекистонимиз, унинг истиқболи ва истиқболлиги, юрт ободлиги ҳақидаги гўзал қўшиқлар янгради. Икки йилда бир марта

тўрт босқичда ўтказилган мазкур кўрик-танловнинг биринчи босқичи касаба уюшмалари кўмиталари томонидан Наврўз байрами арафасида бошланғич касабалар уюшмалари ташкилотларида меҳнат қилувчи ишчи-хотимлар иштирокида байрамона руҳда ташкил этилди. Иккинчи — туман (шаҳар) босқичларида бошланғич ташкилотлардан тавсия этилган ҳаваскорлар, учинчи — ҳудудий босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касабалари уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашилари томонидан туман (шаҳар) босқичи ғолиблари ўртасида ўтказилди.

Бадий ҳаваскорликни ривожлантириш, юрт ободлиги ва фаровонлигини, истиқболимизга шукроналик туйғуларини мадҳ этувчи иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва

рағбатлантириш, ҳаваскор санъаткорларнинг ижодини кенг тарғиб этиш ҳамда «Обод турмуш йили» дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу тadbирларда 135 мингдан зиёд ишчи-хотим — бадий ҳаваскорлар иштирок этдилар.

Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар килотлари бирлашмалари, Авиахотимлар ҳамда Темир-йўлчилар ва транспорт курувчилари Марказий кенгашилари томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиблари бўлган 209 нафар турли касб эгаси республика босқичига йўллана олди.

Ўзбекистон касабалари Федерацияси Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллигига бағишлаб амалга оширилган, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муштариф Ўзбекистон!» ширини асосий гоя сифатида ўзида муҷассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тadbирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот иш-

лари дастурига асосан 13-14 август кунлари пойтахтимиздаги музасам «Туркистон» саройида меҳнаткашлар ўртасида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловнинг республика босқичи ўтказилди.

— Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад, — дейди ЎзКУФК маданий-маърифий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Эйтиборхон Раҳмонова, — меҳнаткашларнинг буш вақтларини сермазмун ўтказиш, улар ўртасида бадий ҳаваскорлик ижодиётини, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатни ривожлантириш, юрт ободлиги ва фаровонлиги, истиқболимизга шукроналик туйғуларини мадҳ этиш, меҳнат жамоаларидаги санъатга иштирокчилик, иқтидорли ишчи-хотимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадий ҳаваскорликни кенг тарғиб этишдан иборат. Танлов шартлари бўйича ҳаваскорлар анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, яқна ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яқна рақс ижрочилиги, жамоа рақ-


си ижрочилиги йўналишлари бўйича иқтидорларини намойиш этидилар. Энг муҳими, бу танлов иштирокчилари профессионал санъаткорлар эмас, балки корхона, ташкилот, муассасаларда, фермер хўжалиқларида меҳнат қилаётган, кичик бизнес ва тadbиркорлик, касаначилик билан шуғулланаётган оддий меҳнаткашлар, шунингдек, корхона, ташкилот балансидаги касабалар уюшмалари фойдаланган маданият саройларидаги бадий ҳаваскорлик жамоаларидир. Муҳими, баҳоланган асарларнинг жонли ижро этилишига эътибор қаратилади.

Ғолиб ва барча иштирокчилар Ўзбекистон касабалари Федерацияси Федерацияси Кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Ишончимиз комилки, ушбу тadbир ҳам меҳнаткашлар ўртасидаги ҳақиқий истеъдод эгаларини кашф этиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижод қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш борасидаги касабалар уюшмаларининг навабдаги эзгу ишларидан бири бўлиб қолади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» муҳбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

II ОСИЁ ҲИЙНЛАРИ

Жорий йилнинг 16-24 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида Осие олимпия кенгаши томонидан иккинчи маротаба ўтказилаётган II Осие ҲИЙНЛАРИДА СПОРТЧИЛАР 16 тур бўйича куч синашади.



ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, 64 спортчи теннис, стол тенниси, қиличбозлик, енгил атлетика, сузиш, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, таэквондо ва баскетбол бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

II Осие ҲИЙНЛАРИДА оғир атлетика бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Шахзод Худойбергандон очилган тантаналарида давлатимиз байроғини стадион узра олиб ўтади.

Биринчи бўлиб мусобақаларга 17 август кун теннис, баскетбол, дзюдо, стол тенниси ва оғир атлетикачиларимиз киришадилар. Шу кун дзюдо бўйича икки вазн тоифасида, оғир атлетика бўйича эса уч вазн тоифасида медаллар ғолибларга топширилади.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, 2009 йили Сингапурда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги биринчи Осие ҲИЙНЛАРИДА 31 спортчимиз қатнашган, улардан уч нафари — Юлдаз Қўқоров ва (сузиш, 100 м. чалқанча усулда), Руслан Қурбонов (енгил атлетика, уч хатлаб сакраш) ва Светлана Прошкина (енгил атлетика, баландликка сакраш) бронза медалига сазовор бўлганди.

ФУТБОЛ



Тошкентдаги Боткина қабристонда 1979 йилда ғожиали тарзда ҳалок бўлган «Пахтакор» жамоаси хотирасига бағишлаб ёдгорлик ўрнатилди. Куни кеча мазкур ёдгорликнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«ПАХТАКОР» — ҚАЛБИМИЗДА

Тadbирда футбол жамоатчилиги билан бир қаторда, ОАВ вакиллари ва Ўзбекистон футбол федерацияси ходимлари иштирок этди. «Пахтакор» жамоаси аъзолари хотирасига бағишлаб ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилган «Хотира қанотлари» турнири бу йил ҳам юқори савияда ташкил этилди. Мазкур турнирда Туркманистон, Қозғистон каби қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган 1998-99 йилларда туғилган ўсмир футболчилар ҳам қатнашди.

Футбол бўйича «Олий лига — 2013» иккинчи давра 15-тур ўйинлари якунига етди. Турнинг марказий ўйинида «Пахтакор» жамоаси «Бунёкдор» устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.



ЛОКОМОТИВ — ПЕШҚАДАМ

Шу кунгача «Бунёкдор» ва «Пахтакор» жамоалари Олий лига доирасида жами 13 марта майдонга тушган, ушбу учрашувларнинг саккизтасида дураник натижа қайд этилган бўлса, қолган бештаси «Бунёкдор»нинг ғалабаси билан тугаган.

«Жар» стадионида ўтган ўйинда «Пахтакор» ўзи учун ноҳус бўлган анъанага барҳам берди. ҲИЙН бошида жамоа сардори Кахи Маҳарадзе, ҲИЙН якунидаги арафасида захирадан майдонга тушган ёш иқтидорли ҳужумчи Темирхўжа Абдуқолиқов томонидан киритилган икки гол Мурод Исмоилов шоғирдлари ғалабаси учун етарли бўлди.

89-дақиқада Лутфулла Тўраев томонидан бош билан урилган гол «қалдирғочлар» муҳлисларини бироз юпатди, холос.

Ушбу ғалабадан сўнг «Пахтакор» очколари сони 28га етди. Мурод Исмоилов шоғирдлари 2-3-ўриндаги «Бунёкдор» ва «Насаф»дан 7 очкога, 15-турдан сўнг биринчи ўринга кўтарилиб олган «Локомотив»дан эса 8 очкога ортда қолмоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» (Ҳузур) — «Динамо» (Самарқанд) — 1:1, «Навбахор» (Наманган) — «Нефтчи» (Фарғона) — 1:1, «Бухоро» (Бухоро) — «Металлург» (Бекобод) — 3:1, «Олмалик» (Олмалик) — «Локомотив» (Тошкент) — 1:2, «Гулистон» (Гулистон) — «Сўғдиёна» (Жиззах) — 2:0, «Қизилқум» (Зарафшон) — «Насаф» (Қарши) — 0:1.

КУРАШ

Хитой Тайпейида кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида уч полвонимиз олтин медални қўлга киритди.

ПОЛВОНЛАРДА УЧ ОЛТИН

Осие чемпионатида йиғирмадан зиёд давлатдан иқтидорли ёш полвонлар ўзаро куч синашди. Ўсмирлар ўртасида вазни 60 кг.гача бўлган курашчилар баҳсида полвонимиз Нурбек Бердиёров барча рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Вазни 65 кг.гача бўлган полвонлар ўртасида Абдураҳмон Абдуллаев, 90 кг. оғирликда Нарзиқулзада Жаҳонгирий шохсўпанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Спортчиларимиздан Хикматулла Тўраев қумуш, Жамшид Пўлатов, Муҳаммадали Шамшидинов, Аскарбек Хайруллаев бронза медал билан тақдирланди.

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» муҳбири

Тошкент ахборот технологиялари университетининг иқтисод ва бошқарув факултети иқтисод йўналиши 4-босқич талабаси Лапасов Шухратжон Сайфи ўғли номига берилган 111-16-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нафиса Хожиева Когон туманидаги 1-ўрта умумтаълим мактабида ёш авлодга физика фанидан сабоқ беради. Мутахассислиги бўйича малакасини мунтазам равишда оширишга интилиш билан бирга рақс санъатига ҳам алоҳида меҳр қўйган. Бўш вақтларида ана шу жозибали, нафосатли машғулот билан шуғулланади.

Маҳорат пиллапоёлари бўйлаб

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда рақс тўғарагига қатнашиб, устозларим Фарҳод Мўминов ва Райхон Иноятовадан санъат сирларини ўргандим. Ушундан буён ушбу машғулот менинг иккинчи касбимга айланган. «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг биринчи ва иккинчи босқичларида муваффақият қатнашдим. Вилоятда ўтказилган беллашувда эса туманимиз шарафини ҳимоя қилган ҳолда ғолибликка эришдик. Энди Тошкентда — танловнинг республика босқичида Бухоро халқ қўшиқларидан «Нозанин» жамоа рақсини ижро этамиз...

Ражаббой Холовни Шофирконда кўпчилик машҳур ўзбек эстрада қўшиқчиси Ботир Зокоровнинг издоши, дейди. У тумандаги 5-ўрта умумтаълим мактабида ёшларга сабоқ бериш билан бирга, маҳоратини ҳам тинимсиз ошириб бораёпти. Айниқса, «Ҳабива», «Араб тангоси», «Раъно», «Мафун бўлдим», «Ғазли ғазали» сингари йўлаб қўшиқларни маҳорат билан ижро этиб, кўпчилиكنинг олқишига сазовор бўлиб келяпти.

«Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этаётган Р.Холов Туроб Тўла шеъри билан айтилган «Раъно» қўшиғини тайёрлаб келган. Уйлаймики, унинг жозибали овози, ижро маҳорати талабчан санъат муҳлисларини бефарқ қолдирмайди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Умиди катта

Эркин Воҳидов сўзи, халқ кўйи билан «Зор этма» қўшиғини саҳнада маромига етказиб ижро этаётган ҳофиз йиғитни томошабинлар жон-қулоғи билан тинглар, барчани санъат сеҳри ўзига ром этганди. Қўшиқ тугагач, залда гулдурас қарсақ янгради. Ҳофиз олқишлар садоси саҳна ортига йўл олди...

...Қаҳрамон пурвиқор тоғлар бағридаги Форшнинг Гараша қишлоғида ёшлиғидан санъатга ошувта бўлиб ўсди. Айниқса, мумтоз қўшиқчилик унинг жону дили эди.

Мана, етти йилдирки, А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтида талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

— Санъат йўлидаги фаолиятимда Фаттоҳов Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Аҳмадхон Дадаев, Маҳмуд Йўлдошев, Маҳмуд Тожибоевларни маънавий устозларим деб биланам, — дейди қўшиқчи. — Бугунги миллий мумтоз қўшиқчилигимиз равнақини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Олдимиздаги вазифа — жонли ижро маҳорати орқали миллий санъатимизни юксакларга кўтариш. Шу йўналишда «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танлови ташкилотчиси бўлган Ўзбекистон касабалари уюшмалари Федерацияси Кенгашига ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор этаман. Биргина вилоятимиздаги икки юздан ортқ меҳнат жамоасининг беш мингга

яқин ходими ушбу танловда фаол иштирок этиб, тўрт йўналишда маҳоратини намойиш этгани таҳсинга сазовор.

Қаҳрамон Бобоқулловнинг нафақат санъат оламида, оилавий тadbиркорликда ҳам қўли баланд. Бундан етти йил аввал у ўғиллари Ботиржон ва Раббимларни ёнига олиб, институт қошида миллий чолғу асбоблари устaxonаси очди. Эндиликда мазкур устaxonа вилоятдаги юздан ортқ санъат ўчоқларига рубоб, дутор, танбур сингари миллий созларимизни тортиқ қилиш баробарида, эскирган чолғу асбобларига ҳам қайта «жон» бағишламоқда.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида анъанавий ижрочилик йўналишида биринчиликни қўлга киритган Қ.Бобоқулловнинг республика босқичидан ҳам умиди катта.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» муҳбири

Болажонлар билан ишлаш менга ёқади. Назаримда, уларнинг қалбига йўл топиш учун киши санъатни севиши керак. Зеро, куй, қўшиқ, рақс, умуман, санъатнинг барча турлари болаларнинг дунёқарабини шакллантиришда, улардаги яхши фазилатларни рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бўш вақтларида рақсга тушишни ёқтираман. Чунки рақс нафақат чарчоқни олади, балки кишига кўтаринки кайфият бахш этади. Рухи баланд киши эса улугвор ишларга қодир бўлади.

Рағбат муваффақиятга ундар

Шу ўринда бизнинг истеъдодимизни қадрлаб, уни рўйбга чиқаришда ёрдам берган касабалар уюшмаларига миннатдорлик билдираман. Боиси, айнан «Санъатим сенга, обод юртим!» танлови орқали ўз истеъдодимизни катта саҳнада намойиш этишга муваффақ бўлдим. Биринчи босқичда боғчамиз шарафини ҳимоя қилган бўлсам, кейинги сафар Хазорасп тумани вакиллари ғалаба си учун курашдим. Энди эса Хоразм вилояти жамоаси номидан ғолиб чиқиш учун бор кучимни сафарбар қиламан. Англадимки, бундай тан-

ришдим. Болаларимиз бутун борлиги билан Ватаним севувици, юрт деб яшовчи инсонлар бўлиб улғайишини истайм.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг энг яқин таянчи ва кўмакдоши ҳисобланади. Бу таянчдан нафақат моддий жиҳатдан, балки мана шундай танловлар, турли ақциялар кўринишида ҳам манфаатдор бўляпмиз. Ушбу ташкилот биз ва оиламиз манфаатларини ҳимоя қилаётганидан бахтиёримиз.

Интизор ҚЎЗИЕВА,
Хазорасп туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari

Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:

Muhammad Ali Ahmedov,
Baxtiyor Mahmadiyev,
Oksana Belasova, Sog'indiq Niyetullayev, Eshon Rajabov,
Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

7 720 010 50000 1

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilibiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:

133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov

Navbatchi:

N.Mahamov

Musahhih:

S.Shodiyeva

Boshqacha topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.20

E-mail: Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifa lovihi: H.Abdullajilov

Sharh nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani muharrir: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.